


## Чеченистонлик Адам Шахидов ва босниялик қори Фотиҳ Серефагич юртимизга ташриф буюрди



20:19 / 25.11.2019 2243

Кеча 24 ноябрь куни Чеченистон Республикасининг Дин ишлари бўйича президент маслаҳатчиси Адам Шахидов ва машҳур босниялик қори Фотиҳ Серефагич юртимизга ташриф буюрди.



Меҳмонлар Тошкент шаҳри Кўкча даҳасидаги «Шайх Зайниддин» қабристонидagi Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллох

қабрларини зиёрат қилишди.

Сўнгра меҳмонлар «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасига қараб йўл олишди. Мажмуанинг хонақоҳлари, масжид кутубхонаси, анжуманлар залини томоша қилдилар.







- Ушбу муҳташам мажмуанинг ҳашамати ва кўркамлиги ўзида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳни акс эттириб тургандек, гўё, - деди Адам Шахидов.





Шунингдек, у шайх ҳазратларининг илмий мероси рус тилига кўпроқ таржима қилиниб, хориждаги мўмин-мусулмонларга етказилса, катта

манфаат бўлишини таъкидлаб ўтди.

Адам Шахидов ушбу мухташам масжидда хуфтон намозига азон чақириб берди. Босниялик қори Фотиҳ Серефагич Қуръони каримдан тиловат қилди, меҳмонлар ҳамда масжид аҳли кўпдан-кўп дуолар қилишди.









***Islom.uz*** портали таҳририяти